



## WAYS TO CREATE ECOTOURISM INFRASTRUCTURE AND IMPROVE THEIR SERVICES IN THE DEVELOPMENT OF ECOTOURISM IN OUR COUNTRY

**A.P. Makhmudova**

*Associate Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

*Samarkand, Uzbekistan*

**F. Nazarova**

*Researcher*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Ecotourism, infrastructure, natural resources, international tourism, nature reserves, national park

**Abstract:** The article presents ways to improve ecosystem infrastructure and their services in the development of eco-tourism in our country

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОТУРИСТИК ИНФРАТУЗИЛМАЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**А.П. Махмудова**

*Доцент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Самарқанд, Ўзбекистон*

**Ф. Назарова**

*Тадқиқотчи*

*Тошкент давлат шарқишунослук университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Экотуризм, инфратузилма, табиий ресурслар, халқаро туризм, кўриқхоналар, миллий боғ

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда экологик туризмини ривожлантиришда экотизим инфратузилмасини ва уларнинг хизматларини яхшилаш йўллари келтирилган.

## ПУТИ СОЗДАНИЯ ЭКОТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ И УЛУЧШЕНИЯ ИХ ОБСЛУЖИВАНИЯ В РАЗВИТИИ ЭКОТУРИЗМА В НАШЕЙ СТРАНЕ

**А.П. Махмудова**

Доцент

Самаркандский институт экономики и сервиса

Самарканд, Узбекистан

**Ф. Назарова**

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

<b>Ключевые слова:</b> Экотуризм, инфраструктура, природные ресурсы, международный туризм, национальный парк	<b>Аннотация:</b> В статье представлены пути совершенствования экосистемной инфраструктуры и их услуг в развитии экологического туризма в нашей стране
--	--

### КИРИШ

“Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси”да ва республикаимизнинг етакчи олимларининг асарларида келтирилган маълумотларни таҳлил қилганимизда ҳақиқатдан ҳам ватанимизнинг экотуризм ресурслари салоҳияти беқиёс даражада бой эканлиги маълум бўлади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ишининг мақсади ва вазифалари бўйича яъни Жиззах вилояти Зомин туманининг туристик ресурсларини баҳолаганимизда туманнинг туристик ресурслари асосан экологик-рекреация ва зиёрат рекреация туризмлари ресурсларидан ташкил топганлиги аниқ бўлади. Айниқса, ноёб доимий муҳофазадаги ҳайвонот турлари Республикаимиздаги Зомин табиий қўриқхонасида сақланиб муҳофаза қилинади ва кўпайтирилади.

Шу сабабли экотуризм манзилларига, минтақаларига туристик маршрутлар ишлаб чиқилганда ҳам ва бу манзилларда туристларга хизмат қилувчи инфратузилмаларни ташкил қилганда ҳам дастлаб экотуризм объектларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий – қонуний меъёрлари ишлаб чиқилганлигини билиш лозим бўлади.

Энди “Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси”да такидланганидек, ватанимиздаги экотуризм объектларидан ва ресурсларидан туристик мақсадларида фойдаланишнинг ҳуқуқий – қонуний меъёрларини ишлаб чиқишга киришилди.

Шунинг учун ҳам биз мазкур ишимизда экотуризм объектларида туристларга хизмат қилувчи туристик инфратузилмани лойиҳа сифатида таклиф қилишимиз ва бу инфратузилмалар имконият даражасидаги хизмат қилувчи бўлинмалар бўлишлигини диққат эътиборда тутишимиз мақсадли бўлади.

Дастлаб экотуризм объекти сифатида табиат кўриқхоналарини олишимиз мумкин. Бу кўриқхонадан экотуризм сифатида фойдаланиш учун қуйидаги ишларни амалга оширишимиз лозим бўлади:

1. Кўриқхонадан экотуризм мақсадларида фойдаланишнинг ҳуқуқий – меъёрий қонунларини – рухсатномасини расман олиш;
2. Кўриқхонанинг жойлашган географик ўрни, табиати, кўриқланадиган ҳайвонот ва ўсимликлари турларининг батафсил таърифи ва тавсифини ёзиб чиқиш;
3. Кўриқхонанинг иш режими ва фаолияти ҳақида туристлар учун маълумотлар тайёрлаш;
4. Кўриқхонадаги ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини, кўриқхонадаги табиат манзараларини кўриш мумкин бўлган 2 та туристик сўқмоқлар ишлаб чиқиш;
5. Кўриқхонадаги туристик сўқмоқлар (маршрутларда дам олиш жойларини белгилаш);
6. Кўриқхонада тунаш жойларини белгилаш ва тунаш, жойлашиш шароитларини ташкил қилиш. Овқатланиш тизими ҳам доимий тунаш жойларида бўлиши мақсадли бўлади;

Қайд қилинган вазифаларнинг 6 талабини кўриқхонадан ташқарида ёки кўриқхона дарвозаси яқинида ташкил қилиш тўғри бўлади.

Чунки, кўриқхонага туристлар аксарият ҳолларда автотранспорт воситалари билан келишади. Автотранспорт шовқини, ундаги газлар, туристларнинг шовқини кўриқхона ичидаги ҳайвонот ва ўсимликларга салбий таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, туристларнинг кечки дам олишлари, радио, ТВ кўришлари, кўнгилочар ўйинларни ўтказиш ҳам кўриқхона ҳудудидан ташқарида бўлгани, меҳнат ва табиатдаги хавфсизликнинг олдини олиш масалалари, талабларидан келиб чиқади. Республикамизда экотуризмни ривожлантиришдаги энг оғир муаммолар экотуристларни жойлантириш ҳисобланади. Бу масалани ҳозирча экотуризм объектидан баҳор, ёз ва куз мавсумларида фойдаланиш учун ҳал қилса бўлади.

Масалан юқорида қайд қилинган кўриқхонадан экотуризмда фойдаланганда кўриқхона яқинида жойлашаган аҳолининг уй – жойларда амалга ошириш имкониятлари ҳозирча бор. Иккинчи йўли кўриқхонага яқин сўлим жойларда (албатта тоза сув манбалари бўлиши лозим) ёмғир сувини ўтказмайдиган махсус лапаткалардан туристик лагер қишлоқчасини яратиш. Бу палаткали туристик лагерларда (қишлоқчасини яратиш) ювиниш хонаси, хожатхона, ошхона, ТВ, радио ва газета – журналлар ўқиш, ўзоро суҳбатлар хонаси ва бошқалар алоҳида – алоҳида палаткаларда бўлиши туристларга хизмат қилишда қулайликлар яратади. Демак, экотуризм объектида туристларга хизматлар кўрсатишнинг ҳозирча 3 усулини таклиф қилиш мумкин:

1. Экотуризм объектларининг яқинда яшаётган аҳоли уйларини ижарага олиш ва барча хизматларни маҳаллий аҳоли ёрдамида кўрсатиш;

2. Экотуризм объектлари яқинида мавсумли туристик лагер (палатка усулида) барпо қилиш ва барча хизматларни ушбу лагер эгалари зиммасига юклаш;

3. Экотуризм объектлари яқинида лагер – кичик, ихчам, чиройли меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кўриш учун маҳаллий аҳолидан тадбиркорларни жалб қилиш.

Мамлакатимизда туризмнинг барча соҳаларини жадал ривожлантиришга киришилди. Туризмнинг йўналишларида олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. Шу ўринда “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси”даги долзарб дастурларни амалга оширишимиз лозим бўлади. “Концепция”нинг 1,3 экотуристик фан, таълим ва тарғибот бўлимида қуйидагиларни амалга оширишимиз белгиланган:

✦ Реклама мақсадида (вақтни бой бермай) экотуризм тўғрисидаги брошюра, буклет, варақа ва шу кабиларни етарли даражада чоп қилиш;

✦ Экотуризм йўналишидаги илмий ишларни мувофиқлаштириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида илмий – амалий марказини ташкил қилиш;

✦ “экотуристик хизмат”, “экотуризм маркетинги ва менежменти”, “экотуризм гиди” каби мутахассислар бўйича ўрта бўғиндаги касб – ҳунар , бакалавр, магистр, аспирантура, докторантура таълим йўналишида кадрлар тайёрлашнинг узвийлигини таъминлаш;

✦ Экотуризм бўйича кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълимини йўлга қўйиш;

✦ Аҳолининг экотуристик онги ва маданиятини ошириш ўстириш учун аммавий ахборот воситаларида экотуризмга бағишланган махсус рукн ва туркумларни ташкил этиш, конкурслар, викториналар ва ҳатоки, латария ўйиларини ўтказиш;

✦ Экотуристик инфратузилмани шакиллантириш “Концепция”да қайд қилинган долзарб масалаларни фақат ўзимиз ҳал қилишимиз лозим бўлади. Четдан келган мутахассислар биздаги экотуристик ресурслар салоҳиятларини кўриб, томоша қилиб, завқланиб кетишларини мумкин. Чунки, улар биздаги экотуризм шароитини, миллий менталитетни тушуниб етгунча кўпгина вақт бой берилади.

## ХУЛОСА

Шунинг учун ҳам экотуризмни ривожлантиришда ҳар биримиз ўз билим салоҳиятимизни, тажрибамизни лойиҳаларимизни ўзоро бирдамликда, ўзоро ҳамкорликда ишонган ҳолда бажаришимиз лозим бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.

2. Raximov Z.O. Turizm sohasida mehmonxonalar xo'jaligini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari.// Monografiya. – Samarqand: SamISI, 2021. 212 bet.
3. Raximov Z.O., Ibadullaev N.E., Xaitboev R. Turoperating.// Darslik. – Toshkent: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021, 396 bet.
4. Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati./ Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining Axborotnomasi. Nukus 2020 yil 3-son (ISSN 2010-9075). 42-45 bet.
5. Raximov Z.O. Raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning yangi turlarining rivojlanishi./ SamISIda o'tkazilgan «Turizmda innovatsion-investitsiya jarayonlarini rivojlantirish istiqbollari» mavzusida xalqaro onlayn ilmiy-amaliy konfrensiyasi. (2020 yil, 3-iyun) – Samarqand: SamISI, 2020.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son «O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi Farmoni, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi PQ-3217-son «2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlari tadbirlar to'g'risida»gi Qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 fevraldagi PQ-3514-son «Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 2 apreldagi 03/1-220- son bilan tasdiqlangan «Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlarda namunali fermer xo'jaliklarini sayyohlarga xizmat ko'rsatishga moslashtirish, ularga sayyohlarni jalb qilish hamda ularning mamlakatimizda bo'lish muddat-larini uzaytirish maqsadida agroturizm va qishloq turizmini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi». [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. Azizkulov B.X., Siddiqov A.A. Assessment of the features of investment in the development of agrotourism based on a cluster approach. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 1. (40-48) pp. DOI 10.26739/2181-9491-2021-1-6.
11. Busby G., Rendle S. (2000). The transition from tourism on farms to farm tourism. Tourism Management, 21(6): 635-642. DOI:10.1016/S0261-5177(00)00011-X.
12. Здоров А.Б. Организационно-экономические основы развития аграрного туризма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва – 2011.